

Бедорлик



08:39 / 02.04.2020 2832

Ҳишом Даствойдан ривоят қилинади: «Амр ибн Атаба ибн Фарқад вафот этганида шериклари унинг синглиси ҳузурига кириб, акаси ҳақида гапириб беришни сўрашди. У шундай деди: «Акам бир куни кечаси «Ҳаа Мийм» сурасини ўқишни бошлади ва «(Эй Муҳаммад!) **Сиз уларни яқин кундан (қиёматдан) огоҳлантиринг! Ўшанда улар юраклари ҳалқумларига тиқилиб, қайғуларини ютиб турурлар**» (Ғофир сураси, 18-оят) оятига келганда тўхтаб қолди. Кейин тонг отгунча шу оятдан кейингисига ўтмади».

«Солиҳлар гулшани» китобидан